

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛЛАРДА “ВАТАН” КОНЦЕПТ СИФАТИДА

Адиба Хуснитдиновна Файзиева

Тошкент давлат Шарқшунослик университети ўқитувчиси
adibafayz2000@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларда қариндош уруғчилик билан боғлиқ бирликларнинг “Ватан концептини ифодаланишидаги ўрни”ни ўрганиш ва ўзбек, инглиз тилларидаги Ватан мавзусига бағишланган мақолларни қиёсий – типологик таҳлилга қилишга бағишланган.

Калит сўзлар: Она ватан, мақол ва маталлар, ибора, қариндош-уруғчиликни билдирувчи бирликлар, типологик таҳлил.

PROVERBS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES AS A CONCEPT ‘VATAN’ (MOTHERLAND)

Adiba Khusnitdinovna Fayzieva

Teacher of Tashkent State University of Oriental Studies
adibafayz2000@gmail.com

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the role of kinship-related units in the expression of the concept of homeland in English and Uzbek articles and a comparative-typological analysis of articles on the topic of homeland in Uzbek and English.

Keywords: Motherland, proverbs and sayings, phrases, units denoting kinship, typological analysis.

КИРИШ

Дунё халқларининг ўзаро муомала-муносабатида етакчи ўрин тутувчи восита тилдир. Тил миллийлик ва халқ маданиятининг ойнаси, халқнинг бойлик-хазинасидир. Ҳар қандай халқ тилининг миллий-маданий семантикаси у яшаётган жой табиати, иқтисодий аҳволи, унинг санъати, бадий адабиёти,

оғзаки ижодиёти, фан-тарихи, анъаналари ва урф-одатларини ўзида сақлаб, уларни келгуси авлодларга етказиб бериш вазифасини бажаради.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф одат қадриятлари мавжуддир. Бу қадриятлар йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ана шундай қадриятлари уларнинг мақол ва маталларида акс этади.

Ушбу тадқиқотимизнинг асосий мақсади ўзбек ва инглиз тилларидаги мақолларда қариндош уруғчилик билан боғлиқ бирликларнинг “Ватан концептини ифодаланишидаги ўрни”ни ўрганиш ва ўзбек, инглиз тилларидаги Ватан мавзусига бағишланган мақолларни қиёсий – типологик таҳлилга тортиш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақоллар доимо бир халқнинг йиллар давомида шаклланиб келган ва шаклланиб келаётган урф-одатлари, ўша халқнинг минталитети, ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Мақол (арабча “قال” феъли данолинган бўлиб, “айтилган сўз”, ҳикмат маъносини англатади.) – халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гапдир. Муайян ритмик шаклга эга. Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамлашган. Асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Проф. Б.Саримсоқов мақоллардаги кенг мазмун хақида гапирар экан, ўзининг «Бадийлик асослари ва мезонлари» асарида бир мақол мисолида изоҳлаб шундай дейди: «Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин» мақолини олинг. Биргина мақолда ширин сўзлик, одамийлик, лутф-эҳсон, мехмондўстлик хақидаги халқнинг кўп асрлик тажрибаларида жамланган хулоса мужассамлашган. Агар биргина шу мақол мавзусида, унда таъкидланган ғояни ифодаловчи эпик, лирик ва драматик асарлар яратилмокчи бўлса, ўнлаб роман, юзлаб ҳикоя, юзлаб шеър ёки дoston, кўллаб драмалар ёзиш мумкин. Шунда ҳам мавзу ва ғоя мақолдагидек аниқ, лўнда ва ёрқин ифодаланмайди». Бу фикр ихчам шакл, кенг мазмун учун билдирилган энг аниқ хулосадир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек халқ мақолларида ҳам ўзбекларга, ўз миллийлигимизга оид қарашлар, урф- одатлар акс этган. Ўзбек халқи учун Ватан азалдан муқаддас

маскан ҳисобланган. Шу сабабдан ҳам уни улуғ зот Она билан қиёсланади. Чунки Ватан ўзининг ҳар бир фуқароси учун меҳрибон, ҳимоячи ва ҳар қандай вазиятда ҳам ғамғорлик қила оладиган, унга доимо бошпана берадиган макондир. Шу сабабли ҳам ўз фарзандига жонини беришга тайёр бўлган шахс Она билан Ватан тушунчалари ўзаро қиёсланади.

Масалан, **Онаюртинг — олтин бешигинг**, мақолидан кўришимиз мумкинки, Ватан инсон учун энг тинч ва ўзини хотиржам хис қиладиган маскандир. Бежизга ҳам “Киндик қоним тўкилган замин” дейилмайди халқимиз орасида. Бу мақолда ҳам Ватанни Онага қиёслашмоқда, олтин бешик ибораси эса энг тинч ва хотиржам конни англадиб келяпти. Шу ерда рамзий қиёслашни кўришимиз мумкин. Янги туғилган чақалоқ учун онаси тебратаётган бешик ҳудди дунёдаги энг беҳавотир, тинч(олтин) макон туйилгани каби инсон учун ҳам энг осойишта маскан, шубҳасиз, бу унинг Она Ватанидир.

Баъзи мақолларда Ватан шундай муқаддас тушунча эканлиги, у ҳар қандай нарсадан азиз эканлиги тасвирланади:

“Она ернинг тупроғи — она ситидан азиз.”

Юқоридаги мақолнинг мазмунидан шуни тушинишимиз мумкинки, она юртинг, Ватаннинг бир сиқим тупроғи ҳудди онанинг ситидек, ҳатто ундан ҳам азиз ва муқаддасдир. Инсон туғилгач уни ўсиб улғайиши учун она сити қандай зарур бўлса, инсоннинг яшаши, ривожланиши ва камолатга етиши учун Ватан, она тупроқ ҳудди шундай, сув ва ҳаводек зарурдир.

Бу мақолда ҳам Ватан онага қиёсланиб “Она ер” сўзи билан қўлланилмоқда. Ўзбек халқ мақолларида шунингек, Ватан тинчлиги ҳамма нарсадан устун эканлиги, инсон тинч ва осойишта ҳаёт кечириши бевосита у яшаётган замонда тинчлик, хотиржамликка боғлиқ эканлиги акс этади:

**“Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас”.**

“Ватанинг тинч — сентинч”.

“Ватанинг тинч — сентинч”мақолидан тушунишимиз мумкинки, энг аввалоюрт, Ватан тинчлиги барчасидан устундир. Инсон доимо тинч ва хотиржам яшаши учун ўз Ватанинг ҳимоясига шай туришива унинг тинчлиги учун ҳаракат қилиши керак.

Ватан турли хил халқларда турли хил нарсаларга қиёсланади. Масалан, Ватан ўзбек халқ мақолларида энг улуғ зот онага таққосланади. Ушбу ўхшатишларни юқоридаги мисолларимиздан кўриб чиққанедик. Шу

ўринда “Ватан мавзуси бошқатилларнинг мақол ва маталларда қандай очиб берилади?” деган савол пайдо бўлади. Ушбу саволга жавоб топиш учун биз ўзбек ва инглиз тилларидаги Ватан мавзусидаги мақоллар ва ундаги қиёслашларни қиёсий типологик ўрганиб чиқамиз.

Инглиз тилидаги мақолларда ҳам шу маънони англатувчи мақоллар мавжуд. Масалан,

Any thing for aquiet life.

(Тинч ҳаёт эвазига истаган нарсангизни бераман)

Build one's house upon a rock.

(Уйни қояга қурмоқ.)

Инглиз тилидаги мақолларда Ватан ўзбек ва рус тилларидаги каби “она”га қиёсланиши деярли кузатилмайди. Шундай бўлсада мақолларнинг мазмун жиҳатдан ўхшашлигини эътироф этсак арзиди.

Хусусан, инсон ва Ватан ўртасидаги муносабат, ўзаро боғлиқликни ўзбек ва инглиз тилларидаги қуйидаги мақолларда кўришимиз мумкин:

Булбул чаманни севар,

Одам — Ватанни.

It is the men who make a city.

(Шаҳар одамлар билан шаҳардир.)

Машхур ўзбек халқ мақолларидан бўлган “**Булбул чаманни севар, Одам — Ватанни**” мақолининг биринчи қисмида булбул чаманни яъни боғни ўзига маскан тутгани ва булбул чаманга ошуфта эканлиги баён этилса, мақолнинг иккинчи қисмида инсон учун энг азиз ва севимли маскан Ватан эканлиги, Ватансиз инсон яшай олмаслиги ифодаланмоқда.

“**It is the men who make a city**”(Шаҳар одамлар билан шаҳардир). Ушбу инглиз халқ мақолида ҳам инсон Ватансиз, Ватан инсонсиз бўлмаслиги, бу икки нарса бир бирига ўзаро боғлиқлиги акс этган.

Шунингдек, “**Ўз уйим — ўлан тўшагим**” халқ мақолининг мазмунига яқин инглиз тилида иккита мақол учратишимиз мумкин:

Every bird likes its own nest.

(Ҳар қуш ўз уясинидер.)

Under one's vine and fig-tree.

(Ўзининг узум токи ва анжири остида.)

Юқоридаги мисолларда ҳам инсоннинг ўз Ватани ҳамма нарсдан устунлиги, ҳеч бир нарса ҳеч бир бойлик унга тенглашолмаслиги ва ўрнини боса олмаслиги фодаланган.

“Ўзга юртда шох бўлгунча,

Ўз юртингда гадо бўл” мақолида ҳам Ватаннинг нақадар муқаддас ва азизлиги ўзифодасини топган.

Инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг яна бир ўхшаш жиҳатларидан бири, ҳар иккала халқнинг фольклорида асосий урғу давлат бошқаруви ва одил подшоҳ мавзусига қаратилганлигидир:

Подшо золим болса, юрт тўзар,

Подшо одил бўлса, юрт ўзар.

Like / like people priest.

(Поп қанақа болса, чўқинишга келганлар ҳам шунақа бўлади.)

Ушбу мақоллардан юртни (давлатни) қандай ҳукмдор бошқарса юрт ҳам худди шундай бўлиши, яъни одил подшоҳ бошқарса, гуллаб яшнаши, золим подшоҳ бошқарса таназулга юз тутиши муқаррар эканлиги баён этилган.

Хулоса қисми : Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир халқ ва унинг фольклори, яъни ўша тилнинг мақол ва маталлари йиллар давомида шаклланиб келади ва уларда халқ донишмандлиги ўз ифодасини топади. Ушбу тадқиқотимизда биз инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг қиёсий-типология таҳлилин олиб бордик. Таҳлилар натижасида инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини кўриб чиқди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг ўхшаш жиҳати уларнинг Ватан ва унинг тинчлиги аввало унда яшаётган фуқароларга боғлиқлиги, юртни (давлатни) қандай ҳукмдор бошқарса юрт ҳам худди шундай бўлиши, яъни одил подшоҳ бошқарса, гуллаб яшнаши, золим подшоҳ бошқарса таназулга юзтутишиму қаррар эканлиги ва шу каби кўплаб жиҳатларда акс этади. Юқорида ўзбек ва инглиз тилларида келтирган **“Подшо золим бўлса, юрт тўзар, Подшо одил бўлса, юрт ўзар”, “Like / like people priest”** мақоллари бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбек халқ мақолларида “Ватан концептини ифодаланишидаги ўрни”да қариндош уруғчилик билан боғлиқ бирликларнинг кўп ишлатилишига гувоҳ бўламиз. Айниқса Ватан “онага” қиёсланиши ўзбек халқ мақолларида етакчи ўринда туради. Инглиз халқ мақолларида эса қариндош уруғчилик билан боғлиқ бирликларнинг ишлатилиши деярли кузатилмайди.

Инглиз тилида Ватан мавзусидаги мақолларида Ватанни қиёслашда қуш ва макон (масалан “қалъа” “**Build one's house upon a rock**” “Уйни қояга қурмоқ”) га ўхшатишлар қулатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларда қуш тимсолини “**Булбул чаманни севар, Одам — Ватанни**”; “**Every bird likes its own nest**” каби мақолларда учратишимиз мумкин. Бу хусусият ҳам иккиласи учун умумий ҳисобланади.

ХУЛОСА

Юқоридаги мисоллардан айтишимиз мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Шунга қарамай ҳар иккала тилдаги мақолларда ҳам Ватан бўлган муҳаббат ва садоқат ўз аксини топади.

REFERENCES

1. Karamatova M., Karamatov H.S. Proverbs, maqollar, posloviцы. Toshkent – «Mehnat» 2000. - 78 б.
2. Қўшоқов М. Сўз кўрки мақол -Тошкент, 1963.-Б.4.³⁴ Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент.2006. –Б.78
3. Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар.-Тошкент: Академнашр, 2018.-Б.11.
4. Т. Мирзаев, А.Мусокулов, Б. Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: -Тошкент: Шарқб 2005.-Б.3.